

Аналитическая информация по основной деятельности
Государственного комитета Республики Узбекистан по
автомобильным дорогам за 9 месяцев 2018 года (текст документа
приведен на государственном языке)

Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й 9 ойлик амалда	2018 й 9 ойлик амалда	2017 йилнинг 9 ойликка нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	1223,5	1908	155,9
	шу жумладан:				
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	*373,1	*534,9	143,4
		км	161,6	165,2	102,2
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	136,2	227,6	167,1
		км	134,0	137,4	102,5
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш	млрд.сўм	232,5	255,0	109,7
		км	2180,0	2321,0	106,5
4	Умумий фойда ланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	481,7	890,5	184,9
		км	2120,0	2950,0	139,2
5	Саноат ишлаб чиқариш хажми	млрд.сўм	206,2	265,7	128,9
6	Янги ишжойларини яратиш	киши	297	579	195
7	Қора металл ч иқиндиларини	тонна	12778,0	12815,0	100,3


гопшириш				
----------	--	--	--	--

* Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига, хорижий пудрат корхоналари томонидан бажарилган иш хажми билан бирга.

Қўмита тизимидаги корхона ва ташкилотларда 2018 йилнинг 9 ой давомида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 534,9 млрд.сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг худди шу даврига нисбатан 143,4 фоизни ташкил этади.


Бундан ташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 137,4 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич эса ўтган йилининг 9 ойлигига нисбатан 167,1 фоизни ташкил қилади.

2017-2018 йилларнинг 9 ойлик яқунларига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг тақослама диаграммаси



2018 йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича Республикамиздаги 2321 км минтақавий автомобиль йўллари таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 119,0 км, Андижонда 248,4 км, Бухорода 170,2 км, Жиззахда 129,2 км, Қашқадарёда 216,7 км, Навоийда 155,3 км, Наманганда 200,4 км, Самарқандда 216,0 км, Сурхандарёда 276,8 км, Сирдарёда 100,9 км Тошкент вилоятида 154,5 км, Фарғонада 195,8 км, Хоразмда 101,0 км ҳамда Тошкент шаҳрида 36,8 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири хажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,5 фоизга ошган.

2018 йил 9 ойлик яқунларига кўра минтақавий автомобиль йўллари таъмирлаш (худудлар кесимидаги диаграмма)



2018 йил 9 ойдавомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 890,5 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Бу эса 2017 йилининг 9 ойлигига қараганда 184,9 фоизни ташкил этади.

Қўмита тизимидаги корхонлар томонидан 2018 йил 9 ойлигида 265,7млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мазкур кўрсаткич 2017 йилининг 9 ойлигига нисбатан 128,9 %ни ташкил этганлигини кўрсатади.

Тизим корхонлари томонидан 2018 йил 9 ойлигида 579 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2017 йилининг мос равишдаги тегишли даврига қараганда қарийб икки барабар ортиб, 195,0 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топшириш кўрсаткичи 2018 йил 9 ойлигида 12815 тоннани ташкил этади. Бу қарийб ўтган йилги даражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 9 ойлигида – умумий бажарилган ишлар хажми – 1908,0 млрд. сўмликдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг 9 ойлигига нисбатан бир ярим баравардан зиёдга ошиб, 155,9 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади.